ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ШЕРНИЁЗОВ АНВАРЖОН АХМЕДЖОНОВИЧ

ФРЕНЕЛ ЛИНЗАСИ АСОСИДАГИ ҚУЁШ НУРИДА ИШЛАЙДИГАН ЛАЗЕРЛАР

01.04.11. –Лазер физикаси

ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ
ФИЗИКА ВА МАТЕМАТИКА ФАЛСАФАСИ ДОКТОРЛАРИ (PhD)

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.4.PhD/FM552.

Диссертация выполнена в Институте ионно-плазменных и лазерных технологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.iplt.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Пайзиев Шермахамат Далиевич** доктор физико-математических наук, снс
Официальные оппоненты:	**Давлетов Икром Юсубович** доктор физико-математических наук, доцент
	Азаматов Закир Тахирович доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ташкентский Государственный Технический Университет**

Защита диссертации состоится «21» сентября 2021 г. в 14^{00} часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 при Институте ионно-плазменных и лазерных технологий по адресу: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, 33. Тел./Факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионно-плазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за № 9), по адресу: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, 33. Тел.: (+99871) 262-31-69.

Автореферат диссертации разослан «08» сентября 2021 года.

(реестр протокола рассылки 9 от «08» сентября 2021 года).

Х.Б. Ашуров
Председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

И.Д. Ядгаров
Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

С.А. Бахрамов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Экологик тоза қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш ҳозирги кунда дунёнинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан бири уни лазер энергиясига айлантиришдир. Шу муносабат билан, қуёш нурланишининг кенг полосали спектридаги энергияни монохроматик лазер нурланишининг энергиясига самарали айлантириш имконини берувчи, маълум физик хусусиятларга эга бўлган янги фаол муҳитни аниқлаш ва шу билан ушбу фаол муҳитларининг ишлашида пайдо бўладиган салбий иссиқлик таъсирининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар ва вазифалар жуда долзарбдир.

Дунёнинг кўплаб ихтисослашган илмий марказларида ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун турли лазерли фаол муҳитларнинг хусусиятлари, қўшимча равишда оптик материаллардан фойдаланиш орқали қуёш нури спектрини олдиндан ўзгартириб қуёш энергиясини лазер нурланиш энергиясига самарали айлантириш имкониятлари соҳасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Сўнгги пайтларда, Ўзбекистон Республикасида қуёш энергиясидан самарали фойдаланишнинг, хусусан, уни юқори иссиқлик, механик ва бошқа физикавий хусусиятларга эга бўлган янги керамик ва композит оптик материаллар асосида монохроматик когерент нурланишга айлантиришнинг янги имкониятларни ўрганишга эътибор кучаймоқда, шунингдек, қуёш энергиясини тўғридан-тўғри лазер энергиясига айлантириш самарадорлигини оширишга қаратилган сенсибилизация узатиш жараёнлари физикасининг долзарб масалалари бўйича тадқиқотлар ва инновацион ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз илмини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган бу фундаментал тадқиқотларнинг ва ишланмаларнинг йўналишлари, ҳамда уларнинг амалий қўлланилиши 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонида ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор

[1] 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

йўналишларига мувофиқ олиб борилди: ППИ-4 "Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, нанотехнология, фотоника ва технологиялар асосида қурилмалар яратиш бошқа илғор технологиялар".

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли хил хорижий илмий марказларда ушбу мавзу бўйича бир қатор муҳим илмий тадқиқотлар ўтказилди, шу жумладан қуёш нури билан ишлайдиган лазерларнинг чиқиш параметрлари ва иссиқлик хусусиятларини яхшилаш учун турли хил конфигурацияларнинг конверсион самарадорлигини баҳолаш. Бу соҳадаги энг муҳим натижаларга чет эл олимлари эришдилар, масалан, португалияликлар (D. Liang, H. Costa, J. Almeida, D. Garcia, M. Catela, B.D. Tibúrcio, C.R. Vistas, E. Guillot) япон (Masamori Endo ,Taizo Masuda, Mitsuhiro Iyoda, Yuta Yasumatsu, Yabe Takashi, Kunio Yoshida, Shigeaki Uchida, Ikesue Akio, Kiichiro Kamata,), канадалик (Jean-Francois Bisson), Исроил (Nechayev, Sergey, Carmel Rotschild, V. Krupkin, Y. Kagan, A. Yogev) немис (Stephan Dottermusch, Ian A. Howard, Bryce S. Richards) ва бошқалар, шунингдек, мамлакатимиз олимлари (Ш. Д. Пайзиев, С. А Бахрамов, Ш.И. Клычев, А. Фазилов, Х.М.Махмудов, А.К.Қосимов, Ф. Ф.Шайимов).

Yabe Takashi бошчилигидаги япон олимлари Nd:YAG асосидаги фаол муҳитга эга бўлган лазерда юзаси 4 $м^2$ Френел линзалари ёрдамида 120 Вт қувватли лазер қувватига эга бўлишди.

D. Liang ва унинг ҳамкасблари Nd:Cr:YAG асосидаги фаол муҳитга эга лазерда қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантиришнинг энг юқори самарадорлигини қўлга киритдилар, бу 6.7% ни ташкил қилади.

Ўзбекистон олимлари, академик С.А. Бахрамов, Ш.Д.Пайзиев, Ш.И.Клычев, А.Фазилов, А.К.Қосимов ва бошқалар биринчилардан бўлиб, катта қуёш печидан фойдаланиб қуёш лазери қурилмасини яратдилар, бунда битта кристаллдан 80 Вт лазер қуввати олинган бўлиб, йирик қуёш концентраторларида лазер генерацияси олиш имконияти кўрсатилди. Пайзиев Ш.Д. гуруҳи томонидан ташқи сенсибилловчи воситалардан фойдаланишга асосланган янги концепция таклиф қилинди, бу қуёш лазерларининг конверсион самарадорлигини бир неча бор ошириш имконини беради. Ҳ.М. Махмудовнинг симуляция усули турли хил фаол воситалар, масалан, Александрит, Ti^{3+}:Сапфир, Nd:YAG ва Ce: Nd:YAG каби юқори самарали қуёш лазерларни Cr3+:YAG, Cr3+: GSGG, Cr3+:YSGG, Cr3+:LICAF, Cr3+:LISAF, Ti3+:Сапфир асосидаги сенсибилизаторлар ёрдамида яратиш имкониятларини ўрганиб чиқди ва намойиш этди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг қуйидаги лойиҳалари доирасида амалга оширилди: ОТ-Ф3-10 “Қуёш энергиясини лазер нури энергиясига айлантириш жараёнларининг физик асосларини тадқиқ этиш ва ривожлантириш” (2017-2020), ФА-Атех-2018-16 “Френел линзасида қуёш билан накачка қилинадиган лазерни ишлаб чиқиш ва яратиш” (2018-2020).

Тадқиқотнинг мақсади - Френел линзаси асосидаги концентраторлардан фойдаланиб қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантириш самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилувчи асосий омилларни аниқлаш ва Френел линзасига асосланган қуёш концетраторлари базасида юқори самарадорликка эга бўлган лазер қурилмаларини ишлаб чиқиш ва яратиш бўйича ечимлар таклиф қилиш.

Тадқиқот вазифалари:

- Френел линзалари асосидаги қуёш концентратори марказида концентрланган қуёш нурланиши билан дамланадиган лазернинг компютер моделини яратиш;
- ясси Френел линзаси фокусининг тузилишига ва ўлчамларига таъсирини симуляция усули ёрдамида ўрганиш;
- симуляция усули билан Френел линзаси асосидаги лазернинг турли хил конструкцияларини ўрганиш ва диаметри 1м бўлган Френел линзаси асосидаги қуёш нурланишини лазер нурланишига самарали айлантрадиган лазер системаларининг оптимал параметрларини аниқлаш;
- Френел линзаси билан Nd:YAG қуёш лазерларида кўп-ўтишли кўндаланг оптик дамлаш схемасини симуляцион ўрганиш;
- Френел линзалари асосида концентрацион тизим учун ретро-рефлекторли оптик дамлаш камерасининг прототипини ишлаб чиқариш ва ясаш;
- консентрланган қуёш нурлари билан ёритилган бир хил ўлчамдаги Nd:YAG ва Ce:Nd:YAG люминесенсия спектрларини эксперимантал ўрганиш.
- тўрт-сатҳли қуёш билан оптик дамланган лазернинг актив муҳитида юқори даражадаги термал стресс мавжуд бўлган ҳолатларда сатҳлар термал инверсбандликнинг лазер хусусиятларига таъсирини ўрганиш учун рақамли ва аналитик моделни ишлаб чиқиш;
- Ce:Nd:YAG ва Nd:YAG асосидаги қуёш лазерлари ишчи сатҳларининг термал инверсбандлигининг чиқиш хусусиятларига таъсирини назарий ўрганиш.

Тадқиқот объекти - қаттиқ ҳолатдаги неодимли лазер фаол муҳитлар, сенсибилизаторлар, Френел линзалари асосидаги концентраторлар ва лазер резонаторлари ҳамда ҳар хил турдаги қуёш энергияси конверторлари моделлари.

Тадқиқот предмети - Қуёш фотонларининг лазер фаол муҳити ва сенсибилизатор билан ўзаро таъсирланишидаги физик жараёнлари, фотонларнинг фаол муҳитда ютилиши, люминесценция, сенсибилизатор ионларидан фаол ионларга энергия узатилиши, қуёш нурланишининг кенг полосали спектри билан оптик дамланган турли фаол муҳитларда лазер нурланишини ҳосил қилиш жараёни.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида, фаол муҳит ва қуёш нурланишининг спектрал хусусиятлари ҳисобга олинган лазер тизимларида содир бўладиган тасодифий жараёнларни симуляция қилишга асосланган усуллар қўлланилади. Симуляция модели Монте-Карло ва фотонларнинг геометрик изини кузатиш усулларидан фойдаланишга асосланган. Тажрибаларда ишлатилган замонавий асбоблар ва ускуналар: ишлатилган

оптик элементларнинг параметрларини аниқлаш учун 100 мВт қувватга эга диод билан оптик дамланган Nd:YAG лазери, текислаш/созлаш учун гелий неон лазерлари, S212 қувват ўлчагич, Thorlabs визуализаторлари, рақамли осциллограф ва юқори ажратишли HR4000 спектрометри.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагича:

- консентрланган қуёш нурланишини самарали конвертация қилиш учун диаметри 1 м бўлган Френел линзасига асосланган лазернинг оптимал параметрлари аниқланди;

- Френел линзаси ясашда ишлатилган материалнинг дисперсияси туфайли фокал соҳа (доғ) кенгайиб, амалий фокус масофасининг силжиши аниқланди;

- оптик дамлаш тақсимотининг бир хиллигини таъминлаш учун шаффоф параллелипепед шаклидаги эритиб қуйилган оддий гомогенизатордан фойдаланиш мумкинлиги топилди;

- Френел линзалари асосидаги Nd:YAG қуёш лазерларида кўп-ўтишли кўндаланг оптик дамлаш схемаси ишлатилганда одатда ишлатиладиган бир-ўтишли оптик дамлаш схемасига нисбатан оптик дамлаш самарадорлиги икки марта ошиши мумкинлиги кўрсатилди;

- Ce:Nd:YAG концентрланган қуёш нурланиши билан ёритилган пайтида 1064 нм атрофида неодимнинг люминесценция интенсивлиги худди шу шароитда Nd:YAG нинг люминесценция интенсивлигидан 1,5 баравар юқори эканлиги экспериментал равишда аниқланди. Бу натижа қуёш, LED ёки лампа билан оптик дамланганда Ce ионлари Nd:YAG учун энг яхши сенсибилизаторлардан бири эканини тасдиқлайди;

- юқори даражадаги иссиқлик юки мавжуд бўлганда тўрт сатҳли қуёш билан оптик дамланган лазерларда сатҳининг термал инвербандликнинг лазер хусусиятларига таъсирини ўрганиш учун фазога боғлиқ тезлик тенгламаларини қўллаган ҳолда қуёш билан ишлайдиган лазерлар учун аналитик модел ишлаб чиқилди;

- Ce:Nd:YAG асосида ишлайдиган қуёш лазерининг ишчи сатҳларидаги термал инвербандлик унинг чиқиш қуватига таъсири етарлича катта экани аниқлади, ҳато бу чиқиш қуватини тўлиқ йўқ қилиши ҳам мумкин экани кузатилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагича:

Қуёш нури билан оптик дамланадиган лазерлардаги физик жараёнларни моделлаштириш учун ишлаб чиқилган усуллар қуёш ёрдамида оптик дамланадиган, шунингдек лампа ёки диод ёрдамида дамланадиган янги лазер тизимларининг моделларини ишлаб чиқишда ва яратишда қўлланилиши мумкин. Қуёш спектрини ўзгартиришда ташқи частота конверторларидан фойдаланишга асосланган таклиф қилинаётган ёндашув юқори конверсион самарадорликка эга қуёш лазерларини яратишга, шунингдек янги қуёш лазер технологияларини ривожлантиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги оптик ва лазер физикасининг замонавий усуллари ва ёндашувларидан фойдаланиши билан асосланади. Хулосалар лазерли муҳитда юзага келадиган бирламчи жараёнларнинг физик механизмларини ўрганишга бағишланган назарий ишларнинг асосий

қоидаларига асосланади ва бошқа муаллифларнинг натижаларига тўлиқ мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ушбу диссертация тадқиқотлари натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тўрт сатҳли қуёш лазерларидаги лазер сатҳларининг термик бандлиги таъсирини тадқиқ этиш учун қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар учун янги модел таклиф этилган, таклиф этилган модел қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, ишлаб чиқилган моделдан назарий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, таклиф қилинаётган илмий ва техник ечимлардан қуёш энергиясидан фойдаланишга асосланган янги самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва яратиш учун фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини амалга ошириш.

Nd:YAG ва Ce:Nd:YAG лазер фаол муҳитларининг люминесцент, иссиқлик хусусиятлари ва генерацион характеристикаларини комплекс ўрганиш асосида қуёш нурини лазер нурига самарали айлантирувчи конверторларни ишлаб чиқиш амалга оширилди:

Диссертацияси доирасида бажарилган илмий ишлар асосида ишлаб чиқилган лазер тизими ичида содир бўладиган физик жараёнларни моделлаштришда олинган натижалар ЎзР ФА Конструкторлик бюро ва Тажриба ишлаб чикиш Илмий техник марказида техника фанлар доктори Ш. И. Кличев раҳбарлигида 2017-2020 йилларда олиб борилган ОТ-Ф3-14 “Ялпоқли қуёш коллекторлар ва қуёш коллектор-бак аккумулятор тизимларнинг каналларидаги конвектив жараёнларини ўрганиш” номли фундаментал лойиҳа илмий-техникавий вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 27 июл № 2/1255-2109-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш биринчи марта қуёш коллекторларининг ярим шаффоф иссиқлик ташувчиларида ҳажмий ютилиши жараёнида иссиқликка айлантриш самарадорлигини баҳолаш имконини берди;

Диссертацияси доирасида бажарилган илмий ишлар натижалари асосида ишлаб чиқилган лазер тизими ичида содир бўладиган физик жараёнларни модели ва дастурий таъминот «Фотонларни статистик трассировкалаш алгаритми» (№ DGU 07182, 2019й.) ЎзР ФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ Материалшунослик институтида т.ф.д. М. С. Пайзуллаханов раҳбарлигида 2017-2020 йилларда олиб борилган № ПФИ ФИ ФА-Ф-3-02 “Мужассамлашган қуёш нурлари ва магнит индукцияси оқимида синтез қилинган барий, стронций ва висмут ферритлари ассосида магнит материалларнинг тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш” номли фундаментал лойиҳа илмий-техникавий вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 25 январдаги № 2/1255-215-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш олинган материалнинг дисперсиясига кучли таъсир этувчи эритманинг совиш тезлиги уни амалга ошириш усулига боғлиқ бўлишини аниқлаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 4 та халқаро ва республика конференцияларида маъруза қилинди ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. Диссертация мавзуси бўйича олинган натижалар 9 та илмий ишда, шу жумладан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда чоп этилган 4 та мақолада ва 1 та рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома билан ҳимояланган дастурий маҳсулот келтирилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва библиографиядан иборат. Диссертация матни 97 бетда тақдим этилган ва 47 расмга эга.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида иш мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари белгиланган, шунингдек тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси илмий-техника тараққиётининг устувор йўналишлари билан ўзаро боғлиқлиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгиликларини баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб берилган, натижаларни амалиётга қўллаш, ишнинг апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "Муаммонинг долзарб ҳолати" деб номланган **биринчи бобида** қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантириш соҳасидаги тадқиқотлар бўйича обзор ва асл илмий ишларнинг таҳлили ўтказилган. Френел линзаларида қуёш нурларини мавжуд лазерларнинг лазер нурланишига ўтказиш самарадорлиги ҳали ҳам қуёш лазерлари кенг тарқалиши учун етарли эмаслиги аниқланган. Конвертация самарадорлигини ошириш учун қуйидаги асосий вазифаларни бажариш керак деган хулосага келинган:

– мавжуд қуёш нурида ишлайдиган лазерлар (Nd: YAG, Ce: Nd:YAG лазерлари) самарадорлигини ошириш учун янги ечимларни излаш, масалан, лазер материалларининг композицион конструкцияларидан фойдаланиш, концентрацион тизимларнинг самарадорлигини ошириш ва бошқалар.


- иссиқлик эффектлари таъсирини, хусусан, ички сенсибилловчи воситалар (Cr:Nd:YAG, Cr:Nd:GSGG, Ce:Nd:YAG лазерлари самарадорлигини ошириш учун.)

"Френел линзалари асосида қуёш концентраторлари" деб номланувчи диссертациясининг **иккинчи бобида** Френел линзалари хусусиятларининг қисқача тавсифи берилган, дисперсиянинг қуёш концентраторининг фокал нуқтаси тузилишига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган, Френел линзаси асосидаги қуёш концентраторининг фокал текислигида бир текис тақсимот (гомогенизация) олиш имконияти кўрсатилган.

Ясси Френел линзасининг фокал доғлари тузилишларига дисперсиянинг таъсирини ўрганиш, фокал доғларнинг кенгайиши ва фокал текисликнинг силжиши мавжудлигини кўрсатди. Диаметри 1м ва фокус масофаси 88 см бўлган Френел линзалари учун кўндаланг кенгайиш тахминан 5 мм, бўйламасига фокус ўзгариши 15 мм дан ошган. Фокусланган фотонлар тақсимотининг гомогенизацияси тўртбурчак шаклидаги шаффоф силикат параллелепипед призмаси ёрдамида намойиш этилган. Ушбу арзон ва содда гомогенизация техникаси лазер физикасида, айниқса, қуёш нурлари билан ишлайдиган лазерларда ўз тадбиқини топиш имкониятига эга.

Тасвирни сақламайдиган Френел линзаси қуёш энергиясини оптимал йиғиш учун мўлжалланган. Шунинг учун тасвирни сақламайдиган Френел линзасини тадқиқ этишни фотонларни кузатиш усули ёрдамида бажариш мумкин. Фокус нуқтасини ўрганиш учун текис Френел линзасининг «grooves out» ни кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, Френел линзасининг фокус масофаси

ва "призмалар" сони берилган. Ҳар бир призма ҳар хил бурчакка эга бўлгани учун уларни алоҳида топиш керак (1-расм).



1-расм. «Тишли» ясси Френел линзаси

$$\tan\omega = \frac{r}{f}$$


$$\gamma = \arcsin\left(\frac{\sin\omega}{n}\right) \qquad (1)$$

$$\beta = \arctan\left(\frac{\sin\gamma}{n-\cos\gamma}\right)$$

$$\alpha = \beta + \gamma$$


Фотон (нур) n-чи призма устига тушади дейлик ва шу призманинг бурчагини топишимиз керак. Снелл қонуни ва баъзи бир геометриядан фойдаланиб, тенгламаларни топамиз (1-тенглама), унда n - призма материалининг синдириш кўрсаткичи, r - линза марказидан тушиш нуқтасигача бўлган масофа. Фотонларни статистик кузатиш усулини қўллаш учун фокус узунлиги 88 см ва 2500 призма қаторига эга Френел линзасини кўриб чиқамиз. Линза материали полиметил метакрилат бўлиб, унинг синдириш кўрсаткичининг тўлқин узунлигига боғлиқлиги эмпирик тарзда қуйидагича ифода этиш мумкин $n(\lambda) = A + B/\lambda^2 + C/\lambda^4$ бу ерда λ [μ], A = 1.478419, B = 463182.1·10^{-8} μ^2, C= -8.637338·$10^{-6}\mu^4$. Кейин биз Монте Карло ва фотонларни кузатиш усулларидан фойдаланган ҳолда Френел линзасининг марказида консентрланган оқим ҳосил бўлишини тадқиқ қилдик. 2-расмда Френел линзалари ишлаб чиқарилган материалнинг дисперсиясини ҳисобга олган ва олмаган ҳолда бажарилган симуляция натижалари кўрсатилган. Ушбу натижалар ўртасида аниқ фарқ кўриниб турибди. Агар дисперсияни ҳисобга олсак, фокал нуқтанинг диаметри тахминан 0,5 см гача кенгаяди.

Кенгайишдан ташқари, асосий масса атрофида фотонларнинг тарқоқ тарқалиши кузатилади.




2-расм. Френел линзасининг геометрик фокусидаги фотонлар сони

Агар биз дисперсияни ҳисобга олсак, аниқ кенгайишдан ташқари, бизнинг моделимиз шуни кўрсатадики, ҳақиқий фокус (фокал текислик) 2 см дан камга силжийди, бу фотонлар сонининг (концентрациясининг) фокус узунлигига боғлиқлигидан кўринади (3-расм). Яъни, дисперсия бўлмаганида, геометрик фокус узунлиги тахминан 88 см эди, аммо дисперсияни ҳисобга олганда, фокус линзадан узоқлашди (3-расмда кўрсатилгандек).




3-расм. Фотонлар концентрациясининг фокус масофасига боғлиқлиги

Диссертациянинг **учинчи бобида** Монте-Карлода ишлаб чиқарилган фотон кузатувидан фойдаланиб, биз учта иккиламчи концентраторнинг самарадорлиги ва хусусиятларини баҳоладик. Симуляция қилинган қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерларнинг муҳим қисмларини схематик кўринишини 4-расмда кўриш мумкин. Иккиламчи концентраторларнинг кириш қисми Френел линзасининг фокал қисмида жойлашган бўлиб, концентраторларнинг ўлчамлари фотонларнинг тарқалиш тақсимотини бир текис ҳолга келтириш учун оптималлаштирилган. 5а-расмда концентраторнинг кириш қисмидаги фотонлар тақсимоти, 5б-расмда эса фаол элемент жойлашган текисликдаги фотонлар тақсимоти кўрсатилган. Кўриниб турганидек, ушбу текисликда фотонлар тақсимоти бир текис. Бунинг натижасида, фаол муҳитнинг бутун узунлиги бўйлаб фотонлар ютилишининг бир текис бўлиб қолиши аниқ. Бу эса иссиқлик эффектларининг олдини олади ва юқори сифатли нур дасталарини ҳосил қилишга ёрдам беради. Фотонларни кузатиб боришнинг Монте-Карло усули бизга комплекс таҳлилларни ўтказишга имкон беради. Масалан, тизимнинг қайси қисмлари юқори ёки паст иссиқлик юкламаларини таъсири остида ва тизимнинг қайси қисмлари тўғри ишламаётганлигини аниқлаш мумкин. Моделда деворларнинг қайтариш коэффициентини 95% деб ўрнатилди. Шундай қилиб, оптик дамлаш коэффициентлари учта ҳолат бўйича ҳисобланди (ретро рефлекторли ва ретро рефлекторсиз, думалоқ диофрагма ва конуссимон диофрагма билан). Ретро рефлекторсиз иккиламчи концентратор учун тахминан 4,6%, думалоқ диофрагмали ретро рефлекторли концентратор учун тахминан 6% ва конуссимон диофрагмали ретро рефлекторли концентратор учун тахминан 8,1%. Бундан ташқари, тўрт сатҳли лазер учун маълум ифода (2-тенглама) ёрдамида лазер чиқиш қуввати қуёшнинг кириш қувватига боғлиқлигини ҳисоблаш учун оптик дамлаш самарадорлигидан фойдаланилган.



4-расм. Қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазернинг схематик тасвири




5-расм. Фокусланган фотонлар гомогенизацияси: а) Фокусланган фотонлар тақсимоти

б) Гомогенизация қилинган фотонлар тақсимоти


$$P_{out} = \frac{\gamma_2}{2\gamma}\eta_p(P - P_{\text{thr}}) \qquad (2)$$

бу ерда γ_2 - чиқиш ойнасидан ўтиш натижасидаги логарифмик йўқотишлар, 2γ - резонатор ичидаги ҳар икки йўналишдаги умумий йўқотишлар, μ_p - оптик дамлаш самарадорлиги $\eta_p = \frac{N_a}{N}\frac{h\nu_L}{h\nu_p}$, $h\nu_L$ - лазер нурланиши фотонларининг энергияси, $h\nu_p$ - қуёш фотонларининг ўртача энергияси, N_a - ютилган фотонлар сони, N - кўриб чиқилаётган қуёш фотонларининг умумий сони, $P_{out}, P_{pump}, P_{threshold}$ - мос равишда лазер қуввати, оптик дамлаш қуввати ва чегаравий қувватидир. Натижалар 3.6-расмда келтирилган. Чиқиш қувватининг кириш қувватига боғлиқлик графигадан кўриш мумкинки, ретро рефлекторли иккиламчи концентраторлар яхшироқ ишлаб, чиқиш қувватини деярли икки баробарга оширади.




6-расм. Диаметри 2,5 мм ва узунлиги 4 см бўлган Nd: YAG стержни учун лазер чиқиш қувватининг киришдаги қуёш қувватига боғлиқлиги: 1 - ретрорефлекторсиз, 2 – ретрорефлектор билан (думалоқ апертурали) ва 3 – ретрорефлектор билан (конуссимон апертурали)

Биз қуёш нурлари билан ишлайдиган лазерларда кенг тарқалган Nd:YAG ўрнига фаол муҳит сифатида Ce: Nd:YAG кристалининг фаол муҳитидан ва Ce: Nd:YAG кристалининг потенциалидан кўп марта ўтишга имкон берадиган тавсия этилган оптик дамлаш схемасидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиб чиқдик. Ce:Nd:YAG материали қуёш спектрининг кўринадиган қисмида кенг ютиш диапазонига эга. Бизнинг рақамли моделимиз Ce: Nd:YAG кристали учун кўп ўтишли оптик дамлаш схемаси билан 12% дан ортиқ ютилишини кўрсатди. Натижада, 1000 Вт/м^2 қуёш нурланиши билан 59,5 Вт лазер қувватига эришиш мумкин. Бу умумий самарадорликнинг 7,5% ни ташкил этади (7-расм, Ce:Nd:YAG графиги). Бу эрда дифференциал самарадорлик қарийб 8,5% ни ташкил этади, бу эса ён томонидан оптик дамланадиган режимдаги ҳозирда мавжуд бўлган қуёш билан ишлайдиган лазерларникидан анча юқори. Диссертация доирасида кўп ўтишли оптик дамлаш схемасини намойиш этиш учун биз кўндаланг оптик дамлаш учун ретро-рефлекторли янги камерани ишлаб чиқдик.




7-расм. Диаметри 2,5 мм ва узунлиги 4 см бўлган Ce: Nd: YAG стержнидан олинган лазер қувватининг қуёш қувватига боғлиқлиги




Экспериментал қурилма

Қуйидаги расмларда (8-9) Nd:YAG нинг 1064 нм лазер тўлқин узунлиги атрофида олинган люминесценция спектрлари келтирилган. Ушбу спектрлардан кўриниб турибдики, ретро рефлектордан (конуснинг иккиламчи концентраторли камерасининг олд девори) фойдаланганда ретро рефлектор йўқлигида олинган спектрга нисбатан люминесценциянинг кучайиши кузатилади. Ретро рефлекторли ва у бўлмаган ҳолатлар учун 1050-1080 нм тўлқин узунлиги диапазонидаги чизиқлар нисбатларини ҳисоблаш шуни кўрсатдики, у 1,125 ни ташкил этди, яъни ретро рефлектордан фойдаланганда 12,5% га ўсиш кузатилди,



8-расм. Ретро-рефлекторли ва ретро-рефлекторсиз схемаларда Nd:YAG люминесценция спектри

бу қуёш нурида ишлайдиган лазерларнинг самарадорлигини ошириш учун биз таклиф этган кўп ўтишли оптик дамлаш ғоямизни тасдиқлайди. Биз Ce: Nd:YAG материалидан фаол мухит сифатида фойдаланиб юқори самарали қуёш лазерини олиш мумкинлигини кўрсатдик. Шу муносабат билан Ce:Nd:YAG материалига асосланган сенсибилизаторли фаол муҳитда энергия узатиш жараёнини ўрганиш 454 нм тўлқин узунлигидаги ёруғлик диоди (LED) нурланиши билан оптик дамланган холда амалга оширилди. Қуёш нури билан оптик дамлашда Ce:Nd:YAG таркибидаги Ce ионларининг сенсибиллаш таъсирини баҳолаш учун биз бир хил ўлчамдаги бир хил неодим концентрациясили фаол муҳит Nd:YAG ва Ce: Nd: YAG-лардаги неодимнинг люминесценция спектрларини ўлчаш ва таққослаш орқали неодим люминесценциясининг кучайишини текширдик.



9-расм. Люминесценция спектрларининг қисмлари. Nd:YAG (қизил чизиқлар) ва Ce:Nd:YAG(кўк чизиқлар).

Диссертациянинг **тўртинчи бобида** лазер муҳитида юқори даражадаги иссиқлик юкламалари мавжуд бўлган холда лазернинг хусусиятларини тавсифлаш учун модел ишлаб чиқилди, чунки бу амалда қуёш нурлари билан ишлайдиган лазерлар учун одатий ҳолат. Бўйлама оптик дамлаш схемасида ва иккита ясси ойнали резонаторда, резонатор параметрига киритилган нурнинг кенглиги $u(\mathbf{r})$ доимий деб ҳисоблаш мумкин деб тахмин қилайлик. Кейинги қадам цилиндрсимон фаол муҳитни кўндаланг ҳалқаларга "ажратиш" бўлади (10-расм) ва бу ҳолда ҳар бир ҳалқа (бўлак) учун бир хил оптик дамлаш тезлигини қабул қилиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, фаол мухит яхлит мухит сифатида қаралмайди, аксинча ҳар бири умумий чиқиш қувватига ҳисса қўшадиган алоҳида мустақил ингичка ҳалқалар (бўлаклар) кўриб чиқилади. Шундай қилиб, биз бир хил кўндаланг оптик дамлаш билан алоҳида фаол муҳит сифатида ишлайдиган ҳалқали муҳитларни оламиз.




Рисунок 10. Распределение накачки и секционирование активной среды

Ушбу тахминлар асосида биз битта бўлак учун қувватни ҳисоблашнинг қуйидаги аналитик тенгламасига келамиз

$$P_{out} = \left[\frac{A_b(1+\sigma_a N_t l/\gamma)}{\sigma_e + \sigma_a} \right] \left(\frac{h\nu}{\tau} \right) \left(\frac{\gamma_2}{2} \right) \left(\frac{P_p}{P_{th}} - 1 \right) \quad (3)$$

бу ерда A_b - нурнинг кўндаланг кесим юзаси, ν - оптик дамлаш частотаси, γ_2 - чиқиш ойнасининг ўтказиш коэффициенти, P_p - оптик дамлаш қуввати, P_{th} - оптик дамлашнинг чегаравий қуввати. Ушбу формула диод лазерлари билан бир текис оптик дамланадиган квази тўрт сатҳли лазерлар учун амал қилади. Бу шуни англатадики, ушбу формуладан ажратиш натижасида олинган индивидуал фаол муҳит бўлаклари учун фойдаланиш мумкин. Алоҳида бўлакни ҳисобга олган ҳолда, биз оптик дамлашни радиал йўналишда локал даражада бир хил деб тахмин қилдик. Бироқ, оптик дамлаш қуввати ўқ йўналишида, яъни фаол муҳит узунлиги бўйлаб камаяди. Ушбу ўзгаришни ҳисобга олиш учун биз мажбурий нурланиш ва ютилишнинг кўндаланг кесими учун фаол муҳит узунлиги бўйича функциянинг ўртача қийматидан фойдаланишимиз мумкин:

$$\tilde{\sigma}_a = \frac{1}{L}\int_L \sigma_a(T(z))dz, \ \tilde{\sigma}_e = \frac{1}{L}\int_L \sigma_e(T(z))dz \quad (4)$$


у ҳолда i-ҳалқали қисм учун чиқиш қуввати ифодаси қуйидаги кўринишни олади

$$P^{i}{}_{out} = \left[\frac{A_b^i (1 + \tilde{\sigma}_a^i N_t l / \gamma)}{\tilde{\sigma}_a^i + \tilde{\sigma}_e^i} \right] \left(\frac{h\nu}{\tau} \right) \left(\frac{\gamma_2}{2} \right) \left(\frac{P_p^i}{P_{th}^i} - 1 \right) \quad (6)$$


бу ерда i - ҳалқа тартиб рақами. Умумий чиқиш қуввати учун ифода:

$$P_{out}^{total} = \sum_i P_{out}^i \quad (7)$$


бу ерда сумма ҳалқалар сони бўйича амалга оширилади. Юқори аниқлик даражасини олиш учун бўлаклар сони етарлича кўп бўлиши керак. Биз ишлаб чиққан ярим аналитик моделни тасдиқлаш учун Ce:Nd:YAG фаол элементи учун чиқиш қуввати икки хил, яъни ярим аналитик модел ва рекурсив модел доирасида ҳисоблаб чиқилган ва олинган натижалар таққосланган (11-расм). Ҳисоб-китоблар кварц трубкаси фаол стерженнинг бутун узунлиги бўйлаб доимий иссиқлик узатиш коэффициентини ва юқори совутиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида ишлатиладиган конфигурация учун амалга оширилди. 12-расмда кварц найчаси



11-расм. Ce:Nd:YAG учун лазер чиқиш қувватининг оптик дамлаш қувватига боғлиқлиги



13-расм. Фаол стержен учи фокусда жойлашган, ҳамда кварц найча бўлган холда Ce:Nd:YAG ва Nd:YAG учун лазер чиқиш қувватининг оптик дамлаш қувватига боғлиқлиги



12-расм. Фаол стержен учи фокусда жойлашган ҳамда кварц найча бўлган ва бўлмаган холларда Ce:Nd:YAG учун лазер чиқиш қувватининг оптик дамлаш қувватига боғлиқлиги

бўлган ва бўлмаган ҳолда ва фаол стерженнинг учи фокусда бўлганида Ce: Nd:YAG лазеридаги лазер чиқиш қуввати қуёш нури қувватига боғлиқлиги бўйича олинган натижалар таққосланган. Лазер муҳитининг пастки ишчи сатҳларга термик бандлик таъсирининг сезиларли даражада кўпайиши ва деярли йўқ бўлиб кетишини кўриш мумкин. Қуйидаги 13-расмда самарали совутиш тизими (кварц

трубкаси) шароитида Ce:Nd:YAG учун олинган натижалар Nd:YAG натижалари билан таққосланган.
Сўнгги расмлардан кўриниб турибдики, етарлича самарали совутиш билан, сенсибилизаторли Ce: Nd:YAG фаол муҳитни ишлатганда қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантириш самарадорлигини Nd:YAG фаол мухитга нисбатан 1,5 ёки ундан кўп марта ошириш мумкин.

ХУЛОСА

1. Френел линзалари асосида қуёш концентратори фокусида консентрланган қуёш нурланиши билан оптик дамланадиган лазернинг компютер модели ишлаб чиқилди. Симуляция усули билан Френел линзалари асосида лазернинг турли хил конструкцияларини ўрганиш амалга оширилди ва 1 м диаметрли Френел линзалари асосида лазернинг оптимал параметрлари аниқланди.
2. Ясси Френел линзасининг фокус доғининг тузилиши ва ўлчамларига дисперсиянинг таъсирини ўрганилди. Френел линзалари ишлаб чиқарилган материалдаги дисперсия туфайли фокал доғлар кенгайиб, фокус текислиги силжиши кўрсатилган. Диаметри 1 м ва фокус узунлиги 88 см бўлган Френел линзалари учун кўндаланг йўналишдаги кенгайиш тахминан 5 мм, бўйламасига фокус ўзгариши 15 мм дан ошган.
3. Кўндаланг оптик дамлаш схемасидан фойдаланганда оптик дамлаш тақсимотининг бир текислигини таъминлаш учун гомогенизатор сифатида эритилган кварц асосидаги шаффоф текис-параллел пластинка ёрдамида фокусланган фотонлар тақсимотининг гомогенизацияси намойиш этилди. Ушбу арзон ва содда гомогенизация техникаси лазер физикасида, айниқса, қуёш нурлари билан ишлайдиган лазерларда тадбиқини топиш имкониятига эга.
4. Френел линзалари асосидаги Nd:YAG қуёш лазерларида кўп ўтишли кўндаланг оптик дамлаш схемаси Монте Карло усули билан фотонларни тақиб қилиш симуляция модели ёрдамида ўрганилди. Кўрсатилганидек, кўп ўтишли оптик дамлаш схемасидан фойдаланиш кўп ишлатиладиган (бир ўтишли) оптик дамлаш схемаси билан таққослаганда оптик дамлаш самарадорлигини икки бараварга ошириш имконни беради. Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, иккиламчи концентраторнинг прототипи - Френел линзалари асосида концентрловчи тизим учун ретро-рефлекторли оптик дамлаш камераси ишлаб чиқилган, тайёрланган ва синовдан ўтказилган. Ретро рефлектордан фойдаланиш оптик дамлаш самарадорлигини ошириши экспериментал тарзда тасдиқланган.
5. Бир хил ўлчамдаги Nd:YAG ва Ce:Nd:YAG фаол элементларининг люминесценция спектрларини концентрланган қуёш нурлари билан қўзғатиш остида экспериментал тадқиқот амалга оширилди. Люминесценция спектрларини таққослашда Ce:Nd:YAG ҳолатида Ce ионлари билан сенсибилизация туфайли неодимнинг 1064 нм атрофида люминесценцияси

Nd:YAG билан люминесценцияга нисбатан 1,5 баравар ўсганлигини кўрсатди, бу LED ёки лампали оптик дамлашдаги каби Ce - қуёш нурлари остида Nd:YAG учун энг яхши сенсибилизаторлардан бири эканлигини тасдиқлайди.

6. Қуёш нури билан оптик дамланадиган тўрт сатҳли лазерларнинг термик бандликнинг юқори даражадаги иссиқлик юкламалари холида лазер кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш учун фазовий координаталарга боғлиқ тезлик тенгламаларини қўллаган ҳолда қуёш билан ишлайдиган лазерлар учун рақамли ва аналитик моделлар ишлаб чиқилган. Ce:Nd:YAG асосида ишлайдиган қуёш лазерининг ишчи сатҳларининг термик бандлиги чиқиш қувватига унинг тўлиқ йўқолишига қадар сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлиги кўрсатилган ва бу қуёш энергиясини лазер нурланишига самарадор айлантришга тўсқинлик қилувчи энг асосий омиллардан биридир. Шунингдек, ушбу муаммони ечими таклиф қилинган ва керакли иссиқлик шароитлари таъминланган тақдирда Ce:Nd:YAG лазерининг чиқиш қуввати Nd:YAG лазернинг чиқиш қувватидан бир ярим-икки баравар ошиши мумкинлиги кўрсатилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.65.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ИНСТИТУТ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ШЕРНИЁЗОВ АНВАРЖОН АХМЕДЖОНОВИЧ

ЛАЗЕРЫ С СОЛНЕЧНОЙ НАКАЧКОЙ НА ЛИНЗЕ ФРЕНЕЛЯ

01.04.11. –Лазерная физика

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.4.PhD/FM552.

Диссертация выполнена в Институте ионно-плазменных и лазерных технологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.iplt.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Пайзиев Шермахамат Далиевич** доктор физико-математических наук, снс
Официальные оппоненты:	**Давлетов Икром Юсубович** доктор физико-математических наук, доцент
	Азаматов Закир Тахирович доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ташкентский Государственный Технический Университет**

Защита диссертации состоится «21» сентября 2021 г. в 14^{00} часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 при Институте ионно-плазменных и лазерных технологий по адресу: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, 33. Тел./Факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионно-плазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за № 9), по адресу: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, 33. Тел.: (+99871) 262-31-69.

Автореферат диссертации разослан «08» сентября 2021 года.

(реестр протокола рассылки 9 от «08» сентября 2021 года).

Х.Б. Ашуров
Председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

И.Д. Ядгаров
Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

С.А. Бахрамов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., академик

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время одной из основных мировых проблем является эффективное использование экологически чистой солнечной энергии. Одним из перспективных направлений использования солнечной энергии является преобразование её в энергию лазерного излучения. В этой связи актуальны проблемы и задачи, связанные с выявлением новых активных сред, обладающих определенными физическими свойствами, для эффективного преобразования энергии широкополосного спектра солнечного излучения в энергию монохроматического лазерного излучения и предотвращения негативных термических эффектов, возникающих в процессе эксплуатации этих активных сред.

В мире во многих специализированных научных центрах для решения этих задач ведутся исследования свойств различных лазерных активных сред, возможность применения дополнительных оптических материалов для предварительной модификации спектра солнечного излучение и увеличения эффективности преобразования солнечной энергии в энергию лазерного излучения.

В последнее время в Республике Узбекистан усилилось внимание к изучению новых возможностей эффективного использования солнечной энергии, в частности путём преобразования её в монохроматическое когерентное излучение на основе новых керамических, композитных оптических материалов, обладающих высокие термические, механические и другие физические, а также ведутся исследовательские и инновационные работы по актуальным вопросам физики процессов передачи сенсибилизации, направленные на увеличение эффективности прямого преобразования солнечной энергии в энергию лазерного излучения. Направления этих фундаментальных исследований и разработок, имеющих большое значение для развития науки нашей страны и их практического применения, отражены в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы.

Данное диссертационное исследование, в определённой степени, соответствует задачам, поставленным в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и № УП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: ППИ-4 «Развитие методов использования возобновляемых источников энергии, создание технологий и устройств на основе нанотехнологий, фотоники и других передовых технологий».

Степень изученности проблемы. Ряд важнейших научных исследований по данной тематике проведен в различных зарубежных научных центрах, в том числе были оценены эффективности преобразования
различных конфигурации лазеров с солнечной накачкой с целью улучшения их выходных параметеров, термических характеристик. Наиболее значительные результаты в указанной области были достигнуты зарубежными учеными, например, португальскими (D. Liang, H. Costa, J. Almeida, D. Garcia, M. Catela, B.D. Tibúrcio, C.R. Vistas, E. Guillot), японскими (Masamori Endo ,Taizo Masuda, Mitsuhiro Iyoda, Yuta Yasumatsu, Yabe Takashi, Kunio Yoshida, Shigeaki Uchida, Ikesue Akio, Kiichiro Kamata,), канадским (Jean-Francois Bisson), израильскими (Nechayev, Sergey, Carmel Rotschild, V. Krupkin, Y. Kagan, A. Yogev)
немецкими (Stephan Dottermusch, Ian A. Howard, Bryce S. Richards) и другие, а также ученые из нашей страны (Ш. Д. Пайзиев, С.А. Бахрамов, Ш. И. Клычев, А. Фазилов, Х.М. Махмудов, А.К.Касимов, Ф.Ф. Шайимов)

Японские ученые под руководством Yabe Takashi получали 120 Вт лазерной мощности с использованием линзы Френеля площадью 4 $м^2$ в лазере с активной средой на основе Nd:YAG.

D. Liang с сотрудниками получили самую высокую эффективность преобразования солнечной энергий в энергию лазерного излучения в лазере с активной средой на основе Nd:Cr:YAG, которая составляет 6.7%.

